

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТУНГУШОВА ДИЛБАР АБДУКАЮМОВНА**

**ПАХТАЧИЛИҚДА НОАНЪАНАВИЙ АГРОРУДАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

<b>Тунгушова Дилбар Абдукаюмовна</b> Пахтачиликда ноанъанавий арорудаларни қўллаш самарадорлиги.....	3
<b>Тунгушова Дилбар Абдукаюмовна</b> Эффективность применения нетрадиционных агрооруд в хлопководстве	29
<b>Tungushova Dilbar Abdukayumovna</b> Efficiency of the use untraditional agro-ores in cotton growing .....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published papers .....	59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТУНГУШОВА ДИЛБАР АБДУКАЮМОВНА**

**ПАХТАЧИЛИКДА НОАНЪАНАВИЙ АГРОРУДАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx51 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Назаров Ренат Саидович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Телляев Рихсивой Шамамадович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Орипов Раззок**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Мячина Ольга Владимировна**  
биологич фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **М.Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [piim@agro/uz](mailto:piim@agro/uz))

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларнинг озика режимини оптималлаштиришда дунёда кенг миқёсда ноанъанавий агрорудалардан кўшимча озика сифатида фойдаланилмоқда. Дунё бўйича бентонит лойқаси захираси 10 миллиард тоннадан ошиқ бўлиб, уларнинг қарийб 45 % Хитойда, 15 % АҚШда ва Туркияда 7% ташкил этади ва улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилиб келинмоқда<sup>1</sup>. Ноанъанавий агрорудаларни кўшимча озика манбаи сифатида минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилиши тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий хусусиятларини яхшилайти, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ва сифатини оширади. Ҳозирги кунда органик ва минерал ўғитлар тақчиллиги кузатилаётган даврида дунёнинг бир қатор АҚШ, Франция, Нидерландия, Россия, Хитой, Австралия, Угандава Ўзбекистон каби мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларни озиклантиришда, захираси мўл ва арзон маҳаллий ноанъанавий агрорудалардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ноанъанавий агрорудаларнинг тупроқ агрофизик, агрохимёвий хоссаларига, микробиологик жараёнига, ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш, ўсимликнинг тупроқдаги озика моддаларини ўзлаштиришини яхшилаш ҳамда агрорудаларнинг таъсири ва сўнгги таъсирларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республика пахтачилигида тупроқ унумдорлигини сақлаш, пахта ҳосилини ошириш ва толасининг сифатини яхшилаш учун минерал ўғитларни қўллаш билан бир қаторда макро ва микроэлементларга бой ноанъанавий агрорудаларни қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ноанъанавий агрорудаларни қўллаш орқали республикада мавжуд минерал ўғитлар захирасини маълум миқдорда тежаб қолиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири этиб кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга ноанъанавий агрорудаларни қўллашининг самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742-сонли қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини таъсдиқлаш тўғрисида" ги 2019 йил 23 октябр ПФ-5853-сонли

---

<sup>1</sup><https://www.indmin.com/SearchResultsElastic.aspx#?term=https:%2F%2Fwww.indmin.com%2FIndustrial%20Minerals%20%2F2012>

фармонида<sup>2</sup> шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Диссертация мазуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Қишлоқ хўжалик экинлари парваришида ноанъанавий агрорудаларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар United States Department of Agriculture (АҚШ), University of Cordoba (Испания)<sup>3</sup>, Chinese Cotton Research Institute, Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Agricultural Academy of Bulgaria (Болгария), South Valley University, Aswan (Миср), Indian Central Institute for Cotton Research, Indian Agricultural Research Institute (Хиндистон), National Semi-Arid Resources Research Institute (Уганда), Д.Н. Прянишников номидаги бутунроссия Агрокимё илмий-тадқиқот институти (Россия), Император Пётр номидаги Воронеж давлат аграр университети (Россия) ва Пахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) **олиб борилмоқда.**

Ҳозирги кунда дунёда ноанъанавий агрорудаларни қўллаш бўйича бир қатор устувор йўналишлар доирасида, шу жумладан: ғўзада ноанъанавий агрорудаларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш, ғўза ва издош экинлар парваришида қўшимча озуқа сифатида қўллаш самарадорлигини аниқлаш, уларнинг қўллаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ноанъанавий агрорудаларнинг келиб чиқиши, таркиби ва хусусиятларини ўрганиш бўйича бир қатор маҳаллий ва чет эл олимлари, жумладан К.Д.Глинка, А.Д.Архангелский, Г.А.Бетехтин, Ю.В.Бескровный, А.Г.Дистанов, А.С.Соколов, З.М.Зокиров, А.У.Мирзаевлар томонидан изланишлар олиб борилган. Қишлоқ хўжалигида ноанъанавий агрорудалардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар С.Н.Рыжов, М.Г. Тлябов, А. Джалалов, Д. Алимарданов, И. Ўринов, А.О. Оразмуродов, Чумаченко, Ш. Алиев, Л.Н. Слесарева, С.М. Болтаев, Р.К. Кузиев, Э.М. Белоусов, С.О. Абдурахмонов, Э. Агафонов, А. Цыганков каби олимлар томонидан олиб борилди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан ғўза ва унинг издош экинлари парваришида ноанъанавий агрорудаларни қўллаш, тупрок унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар Н. Murray (США), Wan Pu (Китай), Я. Стейскал, К. Вноучек (Чехия),

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли "2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармони

<sup>3</sup><http://www.cicr.org.in>; <http://www.icar.org.in>

Vakanjac Branimiz (Югославия), Ei-Haim Abd. (Египет), M. Kayama, R. Yoneda (Япония), S. Nimpila, W. Nimmanan (Таиланд), O. Semalulu, (Уганда) каби хорижий олимлар томонидан ҳам олиб борилган, бироқ пахтачиликда Ўзбекистоннинг асосий конларидаги ноанъанавий агрорудаларнинг ғўза ва издош экинлар парваришида қўллаш самарадорлиги етарлича ўрганилмаган. Шунингдек, пахта мажмуида ноанъанавий агрорудаларни қўллаш технологияси тўлиқ илмий асосланмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 11.1.35. "Ўзбекистоннинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида тупроқ унумдорлиги ва пахта комплексининг ҳосилдорлигини сақлаш ва ошириш учун минерал ўғитлар, ноанъанавий агрорудалар, фосфоритлар ва бентонитлар асосидаги органоминерал компостларнинг экологик тоза шакллари қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш" (2003-2005 йй), ГНТП-7 А-7-093 "Бентонит лойқаси ва глауконит кумларини узок вақт қўлланишининг тупроқнинг агрофизик хоссаларига, ғўза ва бошқа издош экинларнинг ўсиш, ривожланишига, ҳосилдорлигига бўлган сўнги таъсирларининг хусусиятлари ҳақида" (2006-2008 йй), КХА-7-028 " Ҳар хил кимёвий таркибга эга бентонит лойқалари ва глауконитларини тизимли қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг тупроқ агрофизик ва минералогик хусусиятларига ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш" (2009-2011 йй), А-7-ФК-1-16177 КА-7-005 "Норуда хом ашёларни микроэлементлар манбаи сифатида қўлланилишининг тупроқ хоссаларига ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш" (2012-2014 йй.), КА-7-003 2015 "Тупроқ микрофлорасига, тупроқ ва ғўза ўсимлигини макро- ва микроэлементлар билан таъминотига норуда маъдан хом ашёларнинг сўнги таъсирини ўрганиш» (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий тадқиқотлар асосида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилашда, ғўза ва унинг издош экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда ноанъанавий минерал хом ашёлар - агрорудалар (бентонит, глауконит, серпентинит, кўмир-гил сланецлар), ёнувчи сланецлар қайта ишлаб чиқариш (кул) чиқиндиларини қўллаш самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг асосий вазифалари:**

Ўзбекистоннинг асосий конларидаги ноанъанавий агрорудаларининг таркиби ва хоссаларини, уларнинг тупроқ ва ўсимлик билан ўзаро таъсир хусусиятларини ўрганиш;

тупроқнинг минералогик, агрофизик ва микробиологик хусусиятларига, тупроқ ва ўсимликдаги макро ва микроэлементларнинг таркибига ноанъанавий минерал хом ашё турларининг таъсири ва сўнги таъсирларини аниқлаш;

ноанъанавий минерал хом ашёлар - бентонит лойқалари, глауконит кумлари, серпантинитлар, кўмир-гил сланецлар, ёнувчи сланецларнинг қайта

ишлаб чиқариш чиқиндиларининг таъсири ва сўнгги таъсирларида ғўза ва издош экинларнинг ўсиш, ривожланиш биометрик кўрсаткичларининг ўзгариши ва ҳосил туплашини ўрганиш;

ноанъанавий агрорудаларнинг пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсири ва сўнгги таъсирларининг аниқлаш;

ноанъанавий агрорудаларни қўллаш технологиясининг муаян тупроқ-иклим шароитидаги иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида асосий конлардаги ноанъанавий агрорудалар (Ховдак, Арабдашт, Азкамар, Болғали, Крантоғ, Оқсув, Мобика, Кўнғиртоғ, Кутчи), Санғринтоғ конидаги ёнувчи сланецларинг қайта ишлаш чиқиндилари, типик бўз, кум тупроқлар, ғўза ва издош экинлар: ғўза, кузги бугдой, беда, нўхот ва қанд лавлаги олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ноанъанавий агрорудаларнинг таркиби ва хоссаларини, уларнинг ўсимлик ва тупроқ билан ўзаро боғлиглигини ўрганиш, уларни қўллашининг тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига, ўсимликнинг физиологик кўрсаткичларига, ғўза ва издош экинларининг ҳосилдорлигига, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирининг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқотларни ўтказишда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических исследований почв Средней Азии» ҳамда тажриба маълумотларини математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов услуги ва Microsoft Word компьютер дастуридан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор лаборатория, лизиметрик, дала ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари асосида типик бўз ва кум тупроқлар шароитида ғўза парваришида  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг меъёридаги минерал ўғитлар фонида бентонит лойқалари ва глауконит кумларини қўллашнинг мақбул муддат, меъёр ва усуллари **ишлаб чиқилган**;

бентонит лойқалари ва глауконит кумларининг тупроқнинг минералогик таркиби, агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларига таъсири ва сўнгги таъсирлари аниқланган;

ўсимлик томонидан NPK ўзлаштирилиши, органик масса тўплаши, барг юзаси, фотосинтетик маҳсулдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига ноанъанавий агрорудаларни ғўза ва ғўза мажмуасидаги экинларда қўллашнинг таъсири ва сўнгги таъсирлари аниқланган;

ғўза парваришида ноанъанавий минерал хом ашёларини қўлланишининг тупроқ микрофлорасидаги доминант микроорганизм турларининг фаоллигига таъсири ва сўнгги таъсири аниқланган;

типик бўз ва кум тупроқлар шароитида ноанъанавий агрорудаларни қўллашининг илмий асослари ишлаб чиқилган ва самарадолиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

кўшимча озуқа манбалар аниқланди ва ғўза мажуида ноанъанавий агрорудаларни минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг фонида кузги ҳайдов

остига типик бўз тупроқлар шароитида ҳар йили 1,5–3,0 т/га меъёрида, кум тупроқлар шароитида эса уч йилда бир мартаба 6,0–9,0 т/га меъёрида қўллаш самарали эканлиги аниқланган, бунда назоратга нисбатан пахта ҳосили ўртача уч йил давомида типик бўз тупроқлар шароитида 3,0-4,6 ц/га ва кум тупроқларда эса 4,6-6,0 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган. Шунингдек пахта толасининг технологик хусусиятлари яхшилانган;

ғўзанинг ўсув даврида (экишдан олдин, шоналаш ва гуллашда) ноанъанавий агрорудаларни 0,75 т/га меъёрда  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг фонида қўлланилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини яхшиланиб, пахта ҳосили бентонит лойқалари қўлланилганда 2,1-4,3 ц/га ва глауконит кумлари қўлланилганда 4,1 ц/га га юқори бўлганлиги кўзатилган;

тупроқнинг типига кўра 0,75 дан 12,0 т/га ча ноанъанавий агрорудаларни минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонида қўлланилишининг таъсири ва сўнги таъсирида тупроқ ҳажм массаси типик бўз тупроқларда 0,02-0,04 г/см<sup>3</sup> ва кум тупроқлар шароитида эса 0,08-0,09 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги, шунингдек сув ўтказувчанлигини назоратга нисбатан 27 м<sup>3</sup>/га га ошганлиги аниқланган;

ноанъанавий агрорудаларнинг таъсири ва сўнги таъсири натижасида типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг амал даврида 0,75 т/га ва хайдов остига 3,0 т/га қўллаганда чиринди миқдори назорат вариантыга нисбатан ўртача 0,012-0,017 % га ва умумий азот миқдори эса 0,007% га юқори бўлганлиги кўзатилган. Сурхондарё вилоятининг кум тупроқлари шароитида эса 9,0 т/га агрорудалар таъсирида чиринди миқдорини 0,092 % га ошишига эришилган;

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида бентонит лойқаси ва глауконит кумларини  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонида қўлланиши беда пичанининг ҳосилдорлигини ўртача 234,4-626,1 г/м<sup>2</sup> га, нўхот ҳосилини 14,6 г/м<sup>2</sup> га, қанд лавлагининг илдиз ҳосилдорлигини 10-12 % ошганлиги ва Сурхондарё вилоятининг кўм тупроқларида 9,0 т/га бентонит лойқалари минерал ўғитлар ( $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га) фонида кузги буғдой дон ҳосилини 6,7 ц/га га ошганлиги аниқланган;

типик бўз тупроқлар шароитида Ўзбекистоннинг асосий конларидаги ноанъанавий агрорудаларини қўлланилиши шартли соф фойданинг миқдорини 372,8-893,4 минг. сўм/га га, бентонит лойқасини алмашлаб экиш тизимида қўлланишида шартли соф фойда 212,1-1446,6 минг. сўм/га га, кум тупроқлар шароитида 3,0-12,0 т/га бентонит лойқаларини қўлланишида эса 186,4-269,9 минг.сўм/га га ва рентабеллик даражаси 10-15 % ошаганлига аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида ўз ифодасини топганлиги ҳамда олинган назарий ва амалий натижаларнинг тасдиқланганлиги, тажрибада олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларда чоп этирилиб, мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги,

натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур ишнинг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўзбекистон Республикасида мавжуд ноанъанавий агрорудаларнинг таркиби, хоссалари ўрганилиб Тошкент вилоятининг типик бўз ва Сурхондарё вилоятининг қум тупроқлари шароитида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлар парваришида қўшимча озика сифатида қўллаш самарадорлиги илмий асосланган. Тупроқнинг минералогик, агрофизик, агрохимёвий, микробиологик хоссалари, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши нисбатан яхшиланишининг исботланганлиги, натижада ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг юқори бўлиши илмий таҳлиллар асосида исботланганлиги ҳамда олинган натижалар математик-статистик жиҳатдан ўз тасдиғини топганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг типик бўз ва Сурхондарё вилоятининг қум тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда Республикада мавжуд ноанъанавий агрорудалардан самарали фойдаланилганлиги, ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигининг ошиши ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ҳамда ноанъанавий агрорудаларни қўллашнинг ўсимликларда юқори ижобий физиологик таъсири, агрорудаларнинг мураккаб ўғит - макро (калий, магний, фосфор) ва микроэлементлар (бор, мис, рух, молибден ва бошқалар) манбаи сифатида тупроқнинг унумдолигини сақлаш, провард натижада юқори ва сифатли, таннархи арзон ҳосил олиниб, хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтачиликда ноанъанавий агрорудаларни қўшимча озика манбаи сифатида самарали қўллаш ҳисобига тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда ноанъанавий агрорудаларнинг қўллаш муддатлари, усуллари, меъёрлари, таъсири ва сўнги таъсирларида ғўза ва издош экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликларида қўлланма сифатида “Ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш бўйича фермер хўжаликларида тавсиялар” ва “Кузги буғдой етиштиришда ресурс тежамкор технологияларни қўллаш бўйича Тошкент ва Сурхондарё вилояти фермер хўжаликларида тавсиялар” номли тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 02/020-3465-сон маълумотномаси). Республиканинг пахтачилик фермер хўжаликларида юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилган типик бўз тупроқлари шароитида ноанъанавий агрорудаларнинг ғўза ва издош экинлари ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича Қибрай тумани УзПИТИ МТХ да 10 гектар майдонда жорий қилинди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 02/020-3465-сон маълумотномаси). Бентонит лойқаси ва глауконит қумини ғўза парваришида қўллаш

натижасида пахта ҳосили 3-4 ц/га га юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 10-12 фоизга оширишга эришилди.

Сурхондарё вилоятининг кум ва тақирсимон тупроқлари шароитида 2005-2017 йиллари ноанъанавий агрорудаларнинг ғўза ва издош экинлари ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига таъсири ва сўнги таъсири бўйича Термез, Жарқўрғон ва Қизириқ туманларида 501 гектар майдонда жорий қилинди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 02/020-3465-сон маълумотномаси). Бу технологияни қўллаш натижасида пахта ҳосили 3,5-4,7 ц/га ва кузги буғдойнинг дон ҳосили 4,0-5,5 ц/га оширилиб, рентабеллик даражаси 25 % етганлиги аниқланди.

Типик бўз, кум ва тақирсимон тупроқлар шароитида ноанъанавий агрорудаларни қўллаш технологиялари жами 511 гектар майдонга жорий қилиниши (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 02/020-3465-сон маълумотномаси), натижасида тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий ва биологик хусусиятлари яхшиланиши билан бирга минерал ўғитларнинг самарадорлиги оширилиб меъёрини 20-25 % камайтиришга, экинлар ҳосилдорлигини 10-12 % оширишга эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Далада ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари бўйича ёзилган ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 монография, 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси халқаро журналларда нашр этилган. Шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, етгита боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ўзининг малакали маслаҳатлари учун Геология ва минералогия кўмити ходимлари Панченкова Любовь Александровна ва бошқалар, Минерал ресурслари институти давлат корхонаси ходимлари **Ходжаев Нодир Тошходжаевич**, Эргешов Азат Мадиевич ва бошқаларга, Тупроқ агрохимё ва тупроқшунослиги илмий-тадқиқот институти ходимлари Тошқузиёв Маъруф Мансурович, Каримбердиева Амина Азимовна ва бошқалар, Микробиология институти ходими Джуманиезова Гулнара Исмоиловна, ПСУЕАИТИ илмий ишдаги маслаҳатдош ходимлари ва илмий маслаҳатчилари Слесарева Лариса Николаевна, Белоусов Евгений Михайлович, **Авлиякулов Аваз Эронкулович** ва Назаров Ренат Саидовичга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи. Ноанъанавий агрорудаларнинг қўллаши бўйича тадқиқотларнинг тарихи ва ҳолати»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, агрорудаларнинг умумий таснифи келтирилиб, агрорудаларни ўсимликлар учун қўшимча озика манбаи ҳисобланиб, уларнинг таркибида 0,3-4,7% углерод, 0,4-3,0% калий, 0,3-1,0% фосфор ва кўплаб микроунсурлар: мис, рух, бор, кобальт, молибден, марганец, олтингугурт борлиги баён қилинган. Бундан ташқари агрорудаларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилиши ўсимликка минерал ўғитларнинг самарасини яхшилаб, тупроқ қатламидан ҳаракатчан шаклдаги озика элементларини ювилиб кетишидан сақлаши билан тупроқда мутадил озика режими яратилиши кўрсатиб ўтилган.

Ноанъанавий агрорудалар қўллаганда ўсимликларда юқори ижобий физиологик таъсири турли омилларга боғлиқ бўлиб, агрорудаларни мураккаб ўғит - макро (калий, магний, фосфор) ва микроэлементлар (бор, мис, рух, молибден ва бошқалар) манбаи ва мелиорант сифатида тупроқнинг донодорлигини яхшилаб унинг синдириш комплексининг кувватини ошириши билан изоҳланган.

Ноанъанавий агрорудалар тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида ноанъанавий агрорудаларни қўшимча ўғит сифатида қишлоқ хўжалик экинлар парваришида қўлланилишининг самараси баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Таҷрибалар ўтказилган дала тупроқлари қадимдан суғориб келинаётган типик бўз ва қумлоқ тупроқлар бўлиб, ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатларида ўртача гумус миқдори 0,904-0,683%, ялпи азот 0,090-0,053 %, умумий фосфор 0,137-0,094 %, нитратли азот 15,5-12,6 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 30,2-18,1 мг/кг ва алмашинувчи калий эса 200-160 мг/кг ни ташкил этиб, озика унсурлари билан кам таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу

тупроқлар карбонатларга бой, сизот сатҳи типик бўз тупроқлар шароитида 18-20 м, қумлоқ тупроқларда - 1,5-2,0 м чуқурликда, механик таркиби ўрта қумоқ ва енгил қумоқ, ушбу минтақалар иқлими кескин ўзгарувчан, йиллик ёғингарчилик миқдори Тошкент вилояти шароитида 400 мм ва Сурхондарё вилоятида эса 100-200 мм ни ташкил этиб, уларнинг асосий қисми (50-52%) кеч куз ва қишда ёғиши, март-апрель ойларидаги ёғингарчилик 37-40% дан ошмаслиги, ҳаво ҳарорати Тошкент вилоятида ёз ойларда ўртача ҳарорат +25,9 °С, қиш ойларида эса +1,5 °С га, Сурхондарё вилоятининг чўл минтақаларида ўртача йиллик ҳарорати +25,6-26,7 °С, ёзда +32,0°С, кунлик 36-38 °С ни, энг юқори ҳарорат эса +40-50 °С, энг паст ҳарорат -20 °С атрофида бўлиши, йил давомида 245-265 кун иссиқ бўлиб, ёғингарчилик миқдори 127-169 мм, мавсумда эса 30-40 мм, намлик 30-40% дан баъзи ойларда 18-20% гача пасайиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу бобда лаборатория ва даладаги илмий изланишлар «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» қўлланмалари асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида дисперсион таҳлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Ноанъанавий агрорудалар таркибини рентгенологик таҳлил, кимёвий таркибини эса спектрал таҳлил, сувда эрувчан тузлар СоюзНИХИ (1963); сув-физик хоссалари зичлик чегаралари, сувни ушлаб туриш қобилияти Дояренко А.Р. бўйича, термодинамик хусусиятлари Судницин И.И. бўйича, бўқувчанлик БЭТ бўйича, тупроқ намуналарида, тажриба бошида (дастлабки), амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко ва И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланганлиги кўрсатилган.

Тажриба даласи тупроғининг сув-физик хоссалари ўзгаришини аниқлашда «Методы агрофизических исследований» қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги цилиндр усулида ҳамда макроагрегат таркиби Н.И.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг типик бўз ва қўмоқ тупроқлар шароитида тажриба тизими бўйича олиб борилганлиги ва кўрсатилган тизимлар бўйича ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот натижалари. Ноанъанавий агрорудаларининг таркиби, хусусиятлари ва тупроқ билан ўзаро боғлиқлиги»** деб номланган учинчи бобида, ноанъанавий агрорудаларнинг минералогик, кимёвий таркиби, физик хусусияти ва тупроқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг қўллаш меъёр ва муддатларининг тупроқнинг

агрофизик, агрохимёвий ва микробиологик хусусиятларига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Бентонит лойқаларининг доминат минерали монтмориллонит хисобланиб асосан ишкорий-ер жинисига мансуб. Иккинчи ўринда гидрослюда бўлиб 15,9-46,9 % ни ташкил этади. Хлорит 8-10 %, дала шпати 5-10 %, доломит 10 % гача, кристобалит, барит, глауконит 0,01-0,85 % гача ташкил этади. Бентонит ва глауконитнинг гил фракциялари таркиби асосан ухшаш. Кристобалитнинг мавжудлиги седиментацион бассейнга кул материалли кўшилганлигини кўрсатади.

Ноанъанавий агрорудаларнинг тупроқ минералогик таркибига таъсири ва сўнги таъсирида сальбий натижалар кузатилмади.

Маҳаллий конларидан олинган агрорудаларнинг заррачаларнинг зичлик чегаралари 0,879 дан 1,456 г/м<sup>3</sup> ни тенг бўлиб тўлиқ намлик сиғими 29,19-88,5 %ни, капилляр сиғими 19,65-62,15 % ва энг кам нам сиғими 7,79-54,24 % ни ташкил этади, агрорудаларда намликни ушлаб қолиш қобилияти энг кўпи (7,3-20,6 %) 30,6-200,0 атм босимида ушлаб турган бўлса, 200,0-846 атм босимида эса 4,0-13,3% ни ва 846-3320 атм босимида 2,1-6,0% намликни ушлаб турганлиги аниқланди.

Ховдак, Арабдашт, Болғали, Кронтоғ, Оқсув, Найман, Тоғоросой ва бошқа конлардаги агрорудалар таркибида 50 дан зиёд кимёвий элементлар мавжуд бўлиб энг юқори кўсаткичларни кремний, алюминий ва кальций 3 % гача, темир 1-2 % гача, натрий ва калий 0,6-1,0%, магний 0,6-2,0%, титан 0,1-0,4%, фосфор 0,1-0,2%, марганец 0,04-0,09%, Ва 0,02-0,06%, Zn-0,008-0,010 %, Си 0,0008-0,002%, Со 0,0006-0,002% ва бошқалар ташкил этиши аниқланган. Оғир металллар ва радиоактив элементларнинг улуши рухсат этилган концентрациядан анча паст.


Агрорудаларда сувда эрувчи тузлар таркибида  $Cl^-$  аниони 0,003 дан 0,035% гача,  $HCO_3^-$  0,027 дан 0,036% гача ва  $SO_4^{2-}$  эса 0,055 дан 0,140% гача ташкил этади. Катионлардан натрий 0,0002 дан 1,021% гача,  $Ca^{+2}$  катиони 0,005 дан 0,025% гача,  $Mg^{+2}$  0,003 дан 0,021% гача,  $K^+$  катиони 0,002 дан 0,020% гача ташкил этканлиги аниқланди.

Бентонит лойқалари ва глауконит қумларининг сўрилган асослари миқдори 8,813 дан 46,600 мг/экв.гача 100 г да ташкил этади. Умумий кўрсаткичларга асосан бентонит лойқалари ва глауконит қумларида Са, Mg ва Na билан тўйинтирилганлиги аниқланди. Кальцийнинг улуши бошқа асосларга нисбатан юқори бўлиб 39,1% дан 51,2% гача ташкил этади, ўз навбатида тупроқ таркибига яқин бўлиб, бентонит ва глауконит хусусиятларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг потенциал қобилиятига таъсир этади. Маълумки, тупроқда  $Ca^{2+}$  ва  $Mg^{2+}$  миқдори ошиб борса реакция нейтралга яқин бўлганда коллоидлар қайтариб бўлмайдиган геллар ҳолатида бўлиб ортиқча намликда пептизацияга учрамайди ва тупроқ яхши структураланган ва қулай физик хусусиятларга эга бўлади.

Агрорудаларнинг барча хусусиятлари кўшимча озика сифатида ғўза парваришида ўз таъсирини кўрсатади.

Агрорудаларни минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонида 0,75-3,0 т/га меъёрда қўллаганда таъсири ва сўнги таъсирида тупроқнинг умумий физик хоссаларига салбий таъсир этмади ва ҳажм массасини типик бўз тупроқларда 0,02-0,04 г/см<sup>3</sup> га ва қумоқ тупроқлар шароитида эса 0,08-0,09 г/см<sup>3</sup>га камайганлиги аниқланди. Шу билан бирга агрорудаларни қўллаш тупроқ сув ўтказувчанлигини назоратга нисбатан 27 м<sup>3</sup>/га га оширганлиги аниқланди

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, типик бўз тупроқлар шароитида тадқиқотнинг биринчи йилида (1999) амал даврининг охирига келиб 0,75-3,0 т/га меъёрда агрорудаларни қўллаганда чиринди миқдори хайдов қатламида 0,926 дан 0,927 % гача ва хайдов ости қатламида эса 0,780 дан 0,783% га ўзгарган. Агрорудаларни 0,75 т/га меъёрида қўллаш натижасида хайдов қатламда ялпи азотнинг миқдори 0,090-0,092% ни ва хайдов ости қатламида 0,088 ва 0,090 % га ошди.




**1 расм. Бир хил меъёрда қўлланилган турли конларидаги агрорудаларининг сўнги таъсирида тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши, (мавсумда 0,75 т/га ҳисобида)**

Шудгор остига 1,5 ва 3,0 т/га глауконит ва бентонит қўлланилганда бу кўрсаткичлар мунтоносиб равишда 0,093-0,094 ва 0,083-0,090% ни ташкил этди. Бентонит қўлланилганда ялпи фосфор миқдори хайдов қатламида 0,136-0,138% хайдов ости қатламида 0,098-0,100% ни, глауконит қўлланилганда бу кўрсаткичлар мутоносиб равишда 0,135-0,137 ва 0,098-0,099 % ни ташкил этди.

Агрорудаларни 0,75 т/га меъёрида қўллаганда ялпи калий миқдори 1,90-2,10 ва 1,80-1,90 % ни, 1,5-3,0 т/га меъёрида қўллаганда эса бу кўрсаткичлар

2,00-2,20 % ни, хайдов ости қатламида эса 1,90-2,00 % ташкил этди. Минерал ўғитларнинг N<sub>150</sub> P<sub>60</sub> K<sub>50</sub> кг/га меъёрда қўлланилганда чиринди, ялпи азот, фосфор ва калийнинг миқдори мутоносиб равишда 0,925, 0,088, 0,135, 1,90% ни хайдов ва 0,8383, 0,089, 0,098, 1,80% ни хайдов ости қатламида ташкил этади.

Тадқиқотнинг учинчи йилига (2001) келиб, амал даврининг охирида агрорудалар қўлланилган вариантларда тупроқ қатламларида ялпи ҳам ҳаракатчан шаклдаги озика элементларнинг миқдори сақланганлиги кўзатилди. Тупроқда озика элементларнинг миқдори агрорудалар қўлланилганда хайдов қатламида чиринди 0,927 дан 0,930% гача, ялпи азот 0,031 дан 0,096%, фосфор 0,118 дан 0,139%, калий 2,00 дан 2,20 гача ва мутоносиб равишда хайдов ости қатламида 0,772-0,785, 0,088-0,090, 0,100-0,106 ва 1,90-2,00% ташкил этди (2 расм). Назорат вариантыда чиринди миқдори хайдов қатламида 0,916 %ни, азот - 0,086 %ни, фосфор - 0,132 ва калий -1,88%ни, хайдов ости қатламида эса 0,781, 0,078, 0,094 ва 1,79%ни ташкил этганлиги аниқланди.



2 расм. Агрорудаларни қўллашнинг тупроқ агрохимёвий хоссаларига таъсири, амал даври охирида, % ҳисобида




Ноанъанавий агрорудаларнинг таъсири ва сўнги таъсирларида энг юқори кўрсаткичлари типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг амал даврида 0,75 т/га ва хайдов остига 3,0 т/га қўллаганда эришилди, бунда чиринди миқдори назорат вариантыга нисбатан ўртача 0,012-0,017 % га ва умумий азот миқдори эса 0,007% га ошганлиги кўзатилди. Сурхондарё вилоятининг

кўмоқ тупроқлари шароитида эса агрорудалар таъсирида чиринди миқдори 0,092 %га ошганлиги аниқланди.

Тадқиқот давомида минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрида агрорудаларни қўлланилиши тупроқдаги азотли ўғитларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади, натижада тупроқдаги нитратли азот миқдорида ижобий таъсир этди.

Тупроқдаги нитратли азот миқдори бўйича энг юқори кўрсаткичлар Арабдашт кони бентонитни 3,0 т/га солиниб, минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрида қўлланилган вариантда бўлиб, 36,2 мг/кг ташкил этди, назорат вариантыда эса бу кўрсаткич 27,0 мг/кг га тенг бўлиб, қолган барча вариантларда нитратли азотнинг миқдори шу ораликда бўлди (3-расм).

Июн ойида минерал озика фониди ва агрорудаларнинг сўнги таъсирларидан қатъий назар ҳаракатчан фосфор миқдори ортганлиги кўзатилди. Аммо амал даври охирига бориб бу кўрсаткичларнинг барча вариантларда камайганлиги аниқланди, бу эса ўз навбатида бу ўсимлик томонидан ўзлаштириши, тупроқнинг температура режими ва микроорганизмлар фаоллигининг пасайганлиги билан изоҳланади (3-расм). Кўнғиртоғ конидаги бентонит лойқаси 3,0 т/га минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёри қўлланилганда уч йил давомида ҳаракатчанг фосфор миқдори 38,7 мг/кг дан 45,2 мг/кг гача ортганлиги кузатилди.



**3 расм. Амал даврида азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари миқдорида агрорудаларни қўллашнинг таъсири (2011 й.), мг/кг.**

Алмашинувчи калийнинг энг юқори миқдори 3,0 т/га меъёрида Арабдашт конидаги бентонит лойқаси қўлланилганда эришилиб амал даврининг бошида 320 мг/кг мавсумнинг 27 июнь кунда унинг миқдори 360 мг/кг ва амал даври охирига келиб 300 мг/кг ташкил эттди, бу кўрсаткичлар назорат вариантыда мутоносиб равишда 240, 280 ва 180 мг/кг ни ташкил этган эди. Бошқа вариантларда ҳам алмашинувчи калий ушбу миқдорлар оролиғида бўлди.

Бу конуният диссертация бўйича олиб борилган барча тадқиқотларда ҳам кузатилди.

Ғўза парваришида қўшимча озика манбаи сифатида ноанъанавий минерал хом ашёларнинг (ёнувчи сланецлар қайта ишлаш чиқиндилари, сув омборларининг минерал лойқалари, серпентинит ва кўмир-гил сланецлари) таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Назорат вариантыда минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрида мис миқдори 44,0 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, агрорудалар қўлланилган вариантларда эса бу кўрсаткич 52,0-65,0 мг/кг га тенг бўлди. Аммо тупроқдаги рухнинг умумий шакли қора тупроқдаги меъёр эталон (53,0 мг/кг) га нисбатан паст бўлганлиги аниқланиб, назоратда унинг миқдори 41,0 мг/кг ни ташкил этди, шунингдек минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда ноанъанавий минерал хом ашёлар қўлланилганда тупроқдаги рух элементининг миқдори назоратга нисбатан 1,5-2,0 мг/кг га юқори бўлганлиги аниқланди.


Тажриба олиб борилган тупроқлар ялпи марганец билан кам таъминланган бўлиб вариантлар бўйича унинг миқдори 577,5 мг/кг гача ташкил этади. Эталон бўйича тупроқнинг таркибида марганецнинг ялпи миқдори 600,0 мг/кг ни ташкил қилади.

Шунингдек ноанъанавий минерал хом ашёларни қўллаш ғўза ризосферасидаги агрономик жихатдан муҳим микроорганизмлар турларининг динамикасиқа ижобий таъсир этиб 3-4 чин барг фазасида ёнувчи сланецлар қайта ишлаш чиқиндиларининг сўнги таъсирида доминант микроорганизмлар турлари *Chromobacterium* 37,0 млн. ва *Bacillus megaterium* - 7,5 млн. КОЕ/г миқдорда, кўмир-гилининг сўнги таъсирида *Bacillus subtilis* 15,0 млн. КОЕ/г ва *Bacillus mycooides* 7,5 млн. КОЕ/г ни ташкил этди. Ғўзанинг оммавий гуллаш фазасида тажриба вариантларида доминант микроорганизмлар *Bacillus subtilis* 7,5 млн. КОЕ/г. ва *Bacillus megaterium* 750 минг. КОЕ/г бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий агрорудаларни қўллаш муддати, усули ва меъёрини аниқлаш ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида агрорудаларни қўллашнинг мақбул меъёрни аниқлаш учун бентонит лойқалари ва глауконит кўмларининг чигит унувчанлигига, ғўзанинг ривожланиш даврида юқори қисм ва илдиз тизими орқали органик масса тўплашига таъсири ўрганилиб барча тажриба вариантларда қўшимча озикалар 0,5 дан 6,0 т/га меъёрлари оралиғида солинганда чигитларнинг лаборатор унувчанлиги ортиб борганлиги баён этилган. Қўлланилган бентонит лойқаларининг (67) ва

глауконит кумларини (8, 53) намуналарининг юқори 9-36 т/га меъёрларида ҳам унувчалик ошганлиги кўзатилди. Бентонит лойқасини қўлланилган вариантларда ғўзанинг юқори қисм органик массаси 0,76-1,04 г/ўсимлик, илдиз тизими 0,21-0,25 г/ўсимликни ташкил этди ва глауконит кумлари қўллаганда эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 0,78-0,99 ва 0,19 г/ўсимликни ташкил этди, назорат вариантыда бу кўрсаткичлар мос равишда 0,63-0,69 ва 0,17 г/ўсимлик бўлган эди.

Изланишларда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳи ва қурқ масса тўплашига ноанъанавий агрорудалар, тоғ-кон ва кимё саноати чиқиндиларини қўлланилишининг жадал таъсири ғўзанинг шоналаш фазасидан бошланиши аниқланди. Ўсимликнинг бўйи 1 июлда ноанъанавий агрорудалар қўлланилган вариантларда 1 июнга нисбатан 2-3 баробар юқори бўлди. Август ойига келиб эса ўсимликнинг бўйи секинлашиб июл ойига нисбатан 1,5-2,0 баробар юқори бўлди. Аммо бу ўсимликнинг репродуктив (шона, тугунча, кўсак) сонлари отриши билан боғлиқ бўлиб 1 август ойида уларнинг сони агрорудалар таъсирида 3,6-6,2 дона/ўсимликга фарқ қилиб, агрорудаларнинг сўнги таъсирида 0,2-2,2 дона/ўсимлик ва 2,7-5,6 дона/ўсимликка юқори бўлганлиги аниқланди. Натижада амал даврининг охирида ғўза кўсақларининг ортишига олиб келди ва ўртача битта ўсимликда агрорудалар таъсирида 0,8-2,2 дона, сўнги таъсирида 0,8-1,5 дона ва кейинги қўлланилишида 0,5-3,9 донага кўсақлар сони юқори бўлди.




**3 расм. Ғўза парвариш даврида 750 кг/га меъёрида қўлланилган ноанъанавий агрорудаларнинг сўнги таъсирида ғўзанинг кўсақлар тўплаши, дона/ўсимлик**

Минерал ўғитларнинг пайсатирилган  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда ноанъанавий агрорудаларни қўллаганида кони ва меъёрига боғлиқ ҳолда шоналашдан то пишиш фазасигача ўсимликнинг бўйи 4-20 см, ҳосил

тугунчалари 2-5 дона, барг сатҳиси 20-130 см<sup>2</sup>/ўсимлик, фотосинтез маҳсулдорлиги 4-5 г/суткасида юқори бўлиб ғўзани органик массасини 21-200 г/ўсимликка кўп тўплашга олиб келди.

Келиб чиқишига кўра бентонит лойкалари ва глауконит қумлари қисман денгиз жонзотлари ва сув ўтлари қолдиқларидан таркиб топган бўлиб таркибида тирик жонзотларга мансуб кўплаб макро ва микроэлементлар мавжуд. Микроэлементлар ўсимликда кечадиган биокимёвий ва физиологик жараёнларни тартибга солувчи ферментларнинг таркибий қисмини ташкил этиб, улар асосий минерал озикалар - азот, фосфор ва калийнинг самарали ўзлаштиришга ёрдам беради. Микроэлементлар бошқа моддалар билан алмаштриш мумкин эмас ва уларнинг етишмовчилигини тупроқ таркибидаги шаклини ҳисобга олган ҳолда тўлдириш лозим. Ўсимлик микроэлементларни фақат сувда эрийдиган шаклда (ҳаракатчанг шакл) ўзлаштириб умумий шакллари эса ўсимлик томонидан гумин кислоталари иштирокида мураккаб биокимёвий жараёнлардан сўнг ўзлаштириши мумкин. Аксарият ҳолда бу жараёнлар жуда секин кечади ва кўпинча тупроқда намлик ортиши билан ҳосил бўлган ҳаракатчан шаклдаги микроэлементларнинг кўп қисми ювилиб кетади.



**5 расм. Хавдак конидаги бентонит лойкасини 3000 кг/га меъёрида ғўзабеда алмашлаб экиш тизимида қўллашининг экинлар органик масса тўплашига таъсири.**

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики тупроқ озика шароитида ғўза бўлақларида азот, фосфор ва калийнинг микдори ўзгариб туради. Бироқ,

ғўзанинг баргларида нисбатан юқори миқдордаги азот, фосфор ва калий борлиги аниқланди.


Агрорудалар қўлланилган вариантларда ғўзанинг барглари таркибида азотнинг умумий шакли 2,08-2,30 %, фосфор 0,88-0,90 % ва калий 1,500-1,600 % ни ташкил қилади. Ўзбекистонда мавжуд конлардаги бентогнит лойқаси ва глауконит кўмлари меъёрларининг сўнги таъсирида амал даври давомида ғўзанинг баргида бир бирига яқин миқдорда умумий азот, фосфор ва калий тўплаши аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, Хавдак ва Арабдашт конларидаги бентонит лойқалари қўлланилган вариантларда баргда азот, фосфор ва калий миқдори назоратга нисбатан бироз юқори бўлиб, Азкамар ва Катта-Курган конларидаги агрорудалар қўлланилган вариантларда эса азот ва фосфор миқдори бироз паст ёки назорат вариантыдаги миқдорга яқин бўлганлиги аниқланди.

Агрорудаларни минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда кейинги қўлланилишида (2009-2011 йй) ғўзанинг жадал шоналаш ва пишишнинг бошланиш даврида барг таркибида умумий азот 2,89-3,55%, фосфор 0,90-1,20% ва калий 1,05-1,35% шоналашда ва мос равишда 1,94-2,38, 0,72-0,88 ва 0,90-1,20% ни пишиш даврида ташкил этди. Назорат вариантыда эса ушбу элементларнинг баргларидаги умумий азот 1,94%, фосфор 0,67% ва калий 0,90% ташкил этди.

Ўза баргларида миснинг миқдори назорат вариантыда 4,6 мг/кг дан 11,0-11,9 мг/кг гача, кўмир-гил сланецларни  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонидида қўлланилган вариант оралиғида ўзгарди. Рухнинг миқдори ғўза баргида 16,0 мг/кг дан (абсолют назорат вариант) 30,0 мг/кг гача (кўмир-гил сланецларни  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонидида қўлланилган вариант) оралиғида бўлди. Марганец миқдори 83,2 мг/кг дан 129,0 мг/кг гача абсолют назорат вариантдан серпентинит  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га фонидида қўлланилган вариант оралиғида бўлганлиги қайд этилди. Борнинг энг юқори миқдори ёнувчи сланецларни қайта ишланган чиқиндилари (кул) ва кўмир-гил сланецлар қўлланилган вариантларда бўлиб ғўзанинг поясида 11,8-12,2 мг/кг ни ташкил этди. Баргда эса борнинг энг юқори миқдори серпентинин ва ёнувчи сланецларни қайта ишланган чиқиндилари (кул) қўлланилган вариантлар бўлиб назорат вариантыга нисбатан 3,2-10,0 мг/кг га юқори бўлганлиги аниқланди.

Илмий-тадқиқот йилларидаги олинган ҳосил маълумотларини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, агрорудаларнинг таъсири ҳар хил бўлиб ҳосилдорликнинг ортиши баъзи ҳолларда уларнинг меъёрининг ортиши билан боғлиқ бўлса баъзи ҳолларда эса, аксинча, қўллаш меъёри ортиши билан пасайиши кузатилди.



**6 расм. Ўзбекистоннинг асосий конларидаги бентонит лойқалари ва глауконит қўмларини қўллашнинг ғўза ҳосил тўплашига таъсири, г/м<sup>2</sup>**

Пахта ҳосилдорлиги лизимитр шароитида минерал ўғитларинг N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га фонида бентонит қўллаганда 378,9 г/м<sup>2</sup> ни ва глауконит қўмлари қўллаганда эса 381,9 г/м<sup>2</sup>ни ташкил этди.

Арабдашт, Хаудаг, Крантау, Азкамар, Катта-Курган, Кунгуртау конларида бентонит лойқалари ва глауконит қўмларини сўнги таъсирларининг (2006-2008 йй) тўртинчи йилида пахта ҳосили ўртача 61,3-196,1 г/м<sup>2</sup>, 5-йилида - 22,2-116,6 г/м<sup>2</sup> ва 6-йилида - 10,6-120,9 г/м<sup>2</sup>ни ташкил этди. Бентонит лойқалари ва глауконит қўмлари сўнги таъсирида бир кўсакнинг ўртача вазни ортиши ҳам кузатилиб назорат вариантыга нисбатан 0,1-1,2 граммга ошганлиги аниқланди.

Арабдашт конининг бентонит лойқаларини 750 дан 6000 кг/га гача меъёрида қўллаш натижасида уч йил давомида ўртача ҳосил миқдори 386,8 дан 452,6 г/м<sup>2</sup> га ошганлиги кузатилди. Хавдак, Катта-Кўрғон ва Азкамар конларининг бентонит лойқалари 3000 кг/га меъёрида қўлланилганда эса энг юқори пахта ҳосили ўртача уч йилда мос равишда 446,4, 432,5 ва 426,0 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Крантау кони глауконити ва Кунгуртау кони бентонит лойқалари 750 кг/га меъёрида қўллаганда ғўзадан энг юқори пахта ҳосили мос равишда 438,2 ва 430,7 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Назорат вариантыда эса уч йил давомида ўртача пахта ҳосили 328,7 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, ўз навбатида тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан 58,1-139,4 г/м<sup>2</sup> гага кам бўлганлиги аниқланди.

Бентонит лойқалари ва глауконит қўмларидан ташқари серпентинит, ёнувчи сланецларни қайта ишланган саноат чиқинди (кул), кўмир-гил сланецларнинг қўлланилиши ҳам ҳосил тўпланишида ижобий натижалар

бериб, ўртача уч йилда 46,2-136,5 г/м<sup>2</sup>га сўнги таъсирида эса 16,0-26,3 г/м<sup>2</sup>га юқори бўлди.

Бу бобда иқтисодий самарадорлик маълумотлари ҳам келтирилган бўлиб олинган соф даромат ўртача уч йилда 20,9-28,0 минг сўм/га ни 750 кг/га меъёрида агрорудаларни N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га фонида минерал ўғитлар билан бирга қўлланилганда эришилди. Агрорудаларнинг меъёри 1,5дан 3,0 т/га оширилганда олинган соф даромад 18,3 минг сўм/га ни ташкил этди.

Тадқиқотларимизда агрорударининг сўнги таъсирларида ҳам иқтисодий самарадорлик ўрганилиб, минерал ўғитларнинг камайтирилган N<sub>150</sub> P<sub>105</sub> K<sub>75</sub> кг/га меъёрида 3 т/га бентонит лойқасининг сўнги таъсирида соф даромад 16,6 минг сўм/га, глауконит кўмини 1,5 т/га меъерининг сўнги таъсирида 18,9 минг сўм/га ни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятининг кум тупроқлари шароитида Ховдак конидаги бентонит лойқасини сўнги (2009-2011 йй)даги таъсирида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллашиб натижада 3,6-6,0 ц/га қўшимча ҳосил олинди, 185,8-269,9 минг сўм/га соф даромадга эришилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда агрорудаларнинг турли меъёрларда қўшимча озика сифатида қўлланилиши иқтисодий самарадорликка ижобий таъсир этиб, Ўзбекистоннинг асосий конларидаги агрорудаларни қўлланилишининг сўнги таъсирида 372,8-893,4 минг сўм/га, алмашлаб экиш тизимида қўлланишида эса 212,1-1445,2 минг сўм/га ва кумоқ туроқлар шароитида юқори меъёрда бентонит лойқаларини қўлланилиши натижасида эса 185,8-269,9 минг сўм/га соф даромад олишига эришилди. Энг юқори иқтисодий самара алмашлаб экиш тизимида Ховдак конидаги бентонит лойқасини шудгор остига 3 т/га меъёрида бедадан кейин қўлланилишида кузатилиб, шартли соф фойда 2756,6 минг сўм/га ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий агрорудаларнинг ғўзанинг издош экинлари ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган бобида турли хил конлардан олинган бентонит лойқаси ва глауконит кумларини 0,75 дан 6,0 т/га гача меъёрларида қўлланилиши беда, кузги буғдой, нўхат ва қанд лавлагининг ривожланиши, унинг бўйи, ҳосил элементлари миқдори ва уларнинг ҳосилдорлигига таъсири ва сўнги таъсири баён этилган.

